



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 4 октябр
чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 197 (2494)

КУРАШ БРИТАНИЯЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Буюк Британиянинг Бедфорд шахрида Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидаги кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларда Буюк Британиянинг турли вилоятларидан келган ҳамда ўзбекистонлик 70 нафар спортчи иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шахсий қўллаб-қувватлаши натижасида миллий кураш жаҳонда кенг эътироф этила бошланди. Бугунги кунда сайёрамизнинг 30та мамлакатидан миллий кураш ассоциациялари фаолият кўрсатмоқда ва спортнинг ушбу тури бўйича миллий чемпионатлар ўтказилмоқда.

Турнирнинг очилиш кuni Бедфорд шахрининг спорт марказида Ўзбекистон ва Буюк Британия байроқлари кўтарилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида ўзбек миллий рақслари намойиш этилди.

Британиянинг кураш ассоциацияси президенти, ушбу курашнинг тоғмас тарбиячиси Тимоти Томас мусобақа қатнашчиларини кутлади. «XXI аср бугунги кунда Буюк Британияда биринчи халқаро турнир ўткази туриб, Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти жаноб Ислом Каримовга жаҳонда ушбу кураш турининг оммалашшига қўшган катта ҳиссаси учун ўзимизнинг қўқур миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз», деди у ўз ну-

қтда. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Халқаро кураш ассоциацияси президенти К. Юсупов ҳамда Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси А. Файзуллаев сўзга чиқдилар.

Спорт залини тўлдирган минглаб томошабинлар гўзал ва завқли оловларнинг гувоҳи бўлдилар. Кураш гиламларига турли ёшдаги ва турли вазндаги эркеклар, аёллар ва болалар чиқди.

Мусобақалар голиблари ва совриндорлар Британия кураш ассоциацияси томонидан ташкил этилган махсус мукофотларга сазовор бўлдилар. Бу ерда ҳозир бўлган Ўзбекистон делегацияси аъзоси, таниқли шоир Абдулла Орипов ушбу спорт майдонида ёзган шеърини ўқиб берди:

«Ўзбекининг кураши ханиша ҳалол, Унда гирром йўқдир, йўқдир ёмонлик. Британ дўстларга тилаймиз камол, Тилаймиз барчага омад, омонлик».

Мусобақа қатнашчилари Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти Ислом Каримовга мурожаат қабул қилдилар.

**М. ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.**

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 октябр кuni Оқсаройда Халқаро молия корпорацияси ижрочи вице-президенти Питер Войкени қабул қилди.

Маъмур корпорация Жаҳон банки таркибидagi тузилма бўлиб, асосий мақсади хусусий секторни тарққий эштиришда ривожланган мамлакатларга кўмаклашишдан иборат. Унинг лойиҳалардаги иштироки шунини билан муҳимки, корпорация аввал лойиҳани тадқиқ қилиб, унинг нечоғли самарадорлигини аниқлайди. Бу борада асосан уч талабдан келиб чиқлади: лойиҳа мамлакатга ва

молиялашда қатнашган сармоядорга муқаррар фойда келтириши, атраф муҳитга зарар етказмаслиги керак. Одатда, корпорация лойиҳанинг унчалик катта бўлмаган қисмини молиялаштирилади. Шунинг ўзиёқ чет эллик сармоядорларда лойиҳа самара беришига ишончни муштаҳамлайди, бошқача айтганда,

Халқаро молия корпорацияси ўзига хос кафолат вази-фасини ўтайди. Хозирга қадар ушбу ташкилот Ўзбекистондаги ўндан ортик лойиҳани маъқуллаган ва қисман молиялаштирган. Уларнинг қиймати 211,8 миллион АҚШ доллариға тенг бўлиб, бунда корпорациянинг улushi 72,78 миллион-

ни ташкил этади. Маълумотларга қўра, айни пайтда яна учта лойиҳа тадқиқ этиляпти.

Президент Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, икки томонлама ҳамкорлик барқарор ривожланиб бораётганидан мамнуний билдирди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз бу ердаги ислохотлар жараёни, улкан ўзгаришлар билан яқиндаги танишиш учун яхши имконият яратди, — деди Ислом Каримов учрашув аввалида. — Қатор ташкилот ва идораларда бўлиб, юртимиз иқтисодий ҳаётида юзага келган вазият ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилдингиз. Бу ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукумати Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Учрашуда шу хусусда ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА).
СУРАТДА: қабул пайти.
Муҳаммад АМИН
олган сурат.**

«Пахта-2000» САМАРҚАНД: УРУҒЛИК МЎЛ БЎЛДИ

Самарқанд вилоятида пахта йиғим-терими сура-ти тобора ортиб бораётти. Бу йил 243 минг тонналик хирмон яратишга азму қарор қилган самарқандликлар ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тез ва сифатли саранжомлаб олиш мақсадида ғайрат отига қамчи бо-сишмоқда. Хозирга қадар қарийб 20 минг тонна уруғлик пахта тайёрланиб, бу борадаги шартнома режаси адо этилди. Кунлик ўсиш эса режага нисбатан икки фониздан ортмоқда. Масвумда, айниқса, Нарпай, Нуробод, Пахтачи, Жомой туманлари зару-нослари бошқаларга ибрат бўлишляпти. Улар кунига 1,5-2,5 фозиз миқдорда хомашё тайёрлашляпти.

Самарқанднинг катта хирмонида Нарпай туманининг алоҳида ўрни бор. 31 минг тонналик марра-ни қўлаётган деҳқонлар хозирга қадар 25 минг тоннада зиб оқ олтин топшириб, режа сари то-бора яқинлашмоқдалар.

— Бултур шу вақтгача атиги 20 минг тонна пахта тайёрлаган эдик, — дейди туман ҳокими Акбар Жа-милов. — Бу йил деҳқон-ларимизнинг шати бале-ланд. Режани тез кунда адо этамиз. Бунинг учун барча кўч пахтазорга са-фарбар этилган. Терилган хосил учун пұл бевосита дала бошида берилмоқда. Бу масвум иштирокчилари янада унумли ва са-марали ишлашга, вилоятимиз, қолверас республикамиз чўнг хирмонини тезроқ бунёд этишга ундамоқда.

Адҳам ҲАЙИТОВ.

Шу кунларда мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) ижрочи вице-президенти Питер Войке бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

Ташриф бошида меҳмонлар «ЎзКорфармсан-оат» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасида бўлди.

1998 йилда ХМК ушбу қўшма корхонага 3,35 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит бер-

МОЛИЯЧИЛАР ТАШРИФИ

ганди. Бу маблағ ҳисоби-га корхона замонавий ас-соб-ускуналар билан жи-ҳозланди. Эндиликда ХМК унга яна 10 миллион дол-лар ажратмоқчи. Айни пай-тда бу масала мутахассис-лар томонидан ўрганилаёт-тир. Қўшма корхона янги кредит ҳисобига мамла-катимиз ва Марказий Осиё давлатлари учун инфузион эритма ишлаб чиқариш ҳажмини уч баробар оши-

риб, 18 миллион флаконга етказишни мўлжал қилаёт-тир. «ЎзКорфармсан-оат» президенти Бхаратшоҳ билан Питер Войке учра-шувида шу тўғрида фикр алмашилди.

ХМК делегацияси, шу-нингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири-нинг ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тад-биркорликни қўллаб-қув-ватлаш давлат қўмитаси

раиси Ў.Исмоилов билан учрашди. Учрашувда мам-лакатимизда кечаётган ху-сусийлаштириш жараёни-га йирик чет эл сармоя-дорлари қаторида ХМКни ҳам янада кенгроқ жалб этиш, ўзаро шериклик ало-қаларини кенгайтириш бил-ан боғлиқ масалалар му-ҳокама қилинди.

Ташрифнинг иккинчи кuni ХМК делегацияси Банк-молия академиясида

бўлиб, ушбу даргоҳда таҳсил олаётган банк хо-димлари билан учрашди. П. Войке академия тинловчилари олдида «Ўрта ва кичик бизнес-ни ривожлантиришда молия секторининг ўрни» мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, меҳмон-лар Ўзбекистон Респу-бликаси Марказий Банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан уч-рашди.

(ЎзА).



ВАТАН ЎЗ ЎҒЛОНЛАРИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Сидней Олимпиадаси оғиблари Тошкентда тантанали кутиб олинди



МУҲАММАД ҚОДИР

Ерлақар Эзам Умтаглари — Каттаю-кичик Бари-барини.

Муҳаммад исми Бошқача бироқ, Насаб шавини Ертайан чироқ.

Не сир-синаот Этмаган соиб, Қодир Муҳаммад, Муҳаммад — қодир.

Балки шу боис Хозирга довуэр, Тушмас тиллардан Муҳаммад Бобур.

Зарбига қойил, Ақлига бали. Қасиус Клей - Муҳаммад Али.

Жаҳон саҳнида Муҳаммад яна.

Ўзбек элида Энди тантанана.

Ўйласанг агар Дунё ҳам бир ринг. Хур Ўзбекистон Курашар, кўринг.

Зарб устига зарб, Метин ҳимоя. Шапши — тежурий, Мушти — минара.

Америкаю Европа, Куба Ўзбек ўғлини Тан оиди-ку, бас!

Ватаним гўмини Сипқарар Сидней. Хайқираман мен Узимга сизмай:

Шараф лаҳзада Аммоли бордир. Ўзбекистон — бу Муҳаммад Қодир!

Саъдулла ҲАКИМ

бронза медали соҳиблари Сергей Михайлов, Рустам Саидовлар тушиб келишди. Гўлдаста тутган қизлар, спорт ихлосмандлари, юзлаб юртдошларимиз уларга пешовз чиқшди. Журналистлар эса турфа саволлари билан олимпиаданиларни шошириб қўйишляпти.

— Биз бундан-да яхши нати-жаларга эришишимиз мумкин эди, — дейди эркин кураш бўй-ича Олимпиаданинг қумуш медали совриндори Артур Таймазов. — Баъзан ҳатийятсизлик қилдик чоғи. Лекин, барибир ёмон курашмадик. Қайсидаг маънода галаба билан қайтишимизни ку-тиб турган юртдошларимиз ишончини оқлаган бўлсақ, биз бундан мамнуниймиз.

— Бугун менинг 24 йиллик армоним ушладди, — дейди бокс бўйича собиқ Жаҳон чемпиони Руфат Рискиев. — Тўрт йилда бир марта бўладиган Олимпиа-да шохсупасида ўзбек ўғлини тождор бўлди. Ўзбекистон бай-роғи кўтарилиб, Давлат мадҳия-миз янгради.

Хар бир спортчи Сидней Олимпиадаси ҳақида мароқ бил-ан сўзлайди. Кинооператор Ан-вар Авазхўжаев эса бу нуфузли мусобақани, айниқса, юртдош-ларимизнинг хар бир чиқишлари-ни видеотасмага тўлалиғича ёзиб олганигини қувониб гапи-ради.

Олимпиаданилар юртимизга шон-шўҳрат, шараф билан, Ўру-ғ билан қайтишди. Зеро, Му-ҳаммадқодирдай, Артурдай, Сер-гею Рустамқодий ўғлонлари бор юртининг байроғи, шон-шавкати ханиша балеанд бўлғай.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири,
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.**

Балки, бу кунни ҳеч қайси она Махфират опачалик оғибкиб кут-магандир. Балки, тонгни Муҳам-мадқуб акачалик кўзда қувонч ёшлари билан қаршиламагандир. Не бахтим, уларнинг нури-дийдалари Олимпиада чемпиони, олтин медал соврин-дори бўлди. Бу мусобақаларни нафақат Ўзбекистон, бутун жа-ҳон ҳаяжон билан томоша қил-ди. Етти иқлим галаба шохсуна-сини эгаллаган ўзбек ўғлинига тасаннолар айтди.

— Боксининг онаси бўлиш нақадар оғирлигини Сидней Олимпиадаси мусобақаларида чукур хис этдим, — дейди Мах-фират она Абдуллаева. — Болам билан бирга рингга тушгандай бўлдим. Уғилгини ҳам теккан хар бир зарба юрагимни зирқиратди. Ҳаяжонлангандай гоёиона далад бердим. Болам голиб бўлиб, юртимиз байроғини боши узра балеанд кўтарганида... юра-гим кинидан чиқудай бўлди.

Тошкент. Халқаро аэропорт. Соат 13.00. Гарчанд, олимпиа-данилар келишига чоракан бир соат вақт бўлса-да, куттиш хона-си ёш спортчилар, ихлосманд-лар, олимпиаданиларнинг қарин-дош-уруғ, ёр-дўстлари билан гавжум. Барча бир-бирини кут-лаган, табриқлаган. Гўё ҳамма-нинг энг яқин кишиси голиблик шохсупасини эгаллагандай.

— Менинг ўғлим Тўлқинжон Турғунов ҳам олимпиаданилар сафида, — дейди қорасувлик Озоджон ая. — Гарчанд ўғлим совриндор бўлмаган бўлса-да, қувончининг чеки йўқ. Агар Муштақиллик бўлмаганда биздек деҳқоннинг боласи Сидней у ёқда турсин, қўшни мамлакатга ҳам бормоғи дарғумон эди.

Биз Муҳаммадқуб ака, Мах-фират она, Озоджон ая ва улар-нинг қариндош-уруғлари билан сўхбатлашиб турганимизда бола

етақлаган ёшгина аёл сафимизга қўшилди ва:

— Амаки, боламга оқ фотиха бе-ринг. Илоҳим, келажакда Сизнинг ўғлингизга ўхшасин. Бир кун кели унинг шарафига ҳам юрт бай-роғи кўтарилсин, — дея Муҳаммад-қуб акага мурожаат қилди.

Ота йитгичани даст кўтариб, пе-шонасидан ўпди-да, дуога қўл очди: «Юрт қорига ярайдиган йигит бўл!»

Хамманинг хаёлини қарнай-сур-най садолари бўлиб юборди. Ра-диокарнайдан олимпиаданилар тушган авиолайнер ерга қўнгани эълон қилинди. Барчанинг нигоҳи

бир нуктага — олимпиаданилар ту-шаётган улкан авиолайнерга қадал-ди. Ана, Ўзбекистон байроғини овоз кўтарган Муҳаммадқодир, унинг ор-тидан қолган спортчилар бирин-ке-тин тушиб келишляпти.

—Тўғриси, бизи шу қадар катта тантанана билан кутиб олишди деб ўйламагандим, — дейди Муҳаммад-қодир ҳаяжонини яшира олмай. — Бу юртимизда спортга, спортчиға бўлган юксак эътибор далолатидир. — Сиз Президент табригини кан-дай қарши олдингиз? — сураймиз Олимпиада чемпионидан.

майман. Президентимизнинг, хал-қимизнинг меҳр тафтини чукур хис этдим. Табрик шошилчинчомасини кўзларимда севинч ёшлари билан қайта-қайта ўқидим. «Баракалла, ўғлим!», дея гурурланиб қўйган отам, менга чексиз меҳр билан бо-қиб турган онам, фарзандларим, ёр-биродарларим, устозларим кўз олдимда бир-бир гадаландилар. Бизга умид қўзини тикиб турган юртдошларимни ўйладим. Улар ишончини оқлаганимдан қувондим. Самолет пиллапоясидан бирин-кетин Олимпиаданинг қумуш ме-дали совриндори Артур Таймазов,

«ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Жамоатчилик фикрини ўрганиш билан шугулданувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган «Ижтимоий фикр» маркази «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида сўров ўтказди.

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси, тўрт вилоят ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилди. Унда Ўзбекистон фуқаролари — республикада истиқомат қилувчи асосий этник гуруҳлар вакиллари иштирок этди.

94,7 фоиз иштирокчилар миллиятларо ва фуқаролар тотувлигини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов қўриётган оқилона сиёсат самараси деб билди.

Сўралганларнинг кўпчилиги (80,7 фоиз) катъий ишонч билан билдирган фикр кўра, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилинмапти, деб ҳисоблайдиганлар бор — йўғи 4,6 фоизни ташкил этади.

Умуман, сўралганларнинг фикрига кўра, жамиятдаги миллатларо муносабатлар барқарор характерга эга, шу билан бирга турли миллат вакиллари орасидаги ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Сўралганларнинг 96,4 фоиз мустақиллик йилларида қарор тоған миллатларо ва динларо муносабатларга ижобий баҳо берганлиги бунинг далилидир.

Умуман, тадқиқот натижалари республикада миллатларо бирлик — ўзбекистонликлар деган тушунча юзага келмаётганидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» маркази миллиятларо ва динларо муносабатлар жараёнлари ривожланишининг ҳолати ва ўзгариши, уларнинг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг асосий шартлари ҳақида ижтимоий-сиёсий ва миллатларо барқарорликни сақлаш ҳамда мустақамлашга қўмақлашувчи омилларни мунтазам ўрганиб боради.

Ташкилланганда, Бурхониддин Марғинович Таваллуднинг 910 йиллиги олдида

Хуқуқ қилимининг буюк намоянаси

Ташкилланганда, Бурхониддин Марғинович Таваллуднинг 910 йиллиги олдида хуқуқ қилимининг буюк намоянаси сифатида ислом дунёсидан кенг танилиб, катта ҳурмат ва эътибор қозонган. Унинг илмий мероси бугунги кунда ҳам бутун дунё хуқуқшунослари томонидан ўрганилмоқда.

Бундан салкам икки йил аввал айтилган бу гаплар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ҳамон атофимизда галамислар бор экан, арзиманган пулга, нафс балосига ўраганлар уларга эргашиб, хоинлик йўлига ўтган экан, огоҳликка ишонувчи бу давлат доимо ёдимизда туриши лозим.

Ешларимиз ўз дунёқарашларига эга бўлишлари, оқ-қорани ажрата билишлари учун, жумладан, ҳуқуқий маданиятга ҳам эга бўлишлари зарур. Бунинг учун биз ҳуқуқчи муҳофазаси этиш идоралари вакиллари кенг миқдасда иш олиб боришимиз лозим.

Шуни тан олиб айтишимиз керакки, бу борада қилинмаётган ишлар қориклар даражада эмас. Қўпгина турли хилдаги жиноий ишлар атрофида ураллашиб қолиб, халқ дардидан, айниқса, ёшларимиз муаммоларидан беҳабар қолаётимиз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг танланган йўли, бош мақсади — инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдир. Конституциямиздан тортиб, қабул қилинмаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар инсонпарварлик принципларига асосланган. Ташқи ва ички сиёсатда, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда мамлакатимиз оғуру-этиборининг кун сайин ортиб бораётгани, боиси ҳам ана шунда.

Азалий анъаналарини яна ҳаётга татибқ этиб, ўзбек миллати шайн-шавқатини улуғлай бошлади. Бу муваффақиятларни ганимларимиз кўра олмай яттилар. Шундай бўлиши табиий. Душман турли йўللар ва усуллар билан таракатимизга ҳадақит беришга уриняпти. Айниқса, халқимиз асрлар давомида эътиқод қўйиб келган ислом дини никоҳи остида ўзларини фаришта қилиб кўрсатиб, бир халқни иккинчисига, отани болага, акани укага қарши қўймоқда.

Улар ўзларининг галамис ниятларини амалга ошириш йўлида имони бўш, эътиқоди суст ёшларимиз, хали ҳаётнинг паст-баландини чуқур англаб етмаган йигит-қизларимизни ишга солмоқдалар.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволига жавобан айтган куйидаги фикрини эслаб ўтмоқчиман: «...Муқаддас ислом динини никоҳ қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мугтаассиб кучлар, табиийки, ер юзидagi барча муулмонларнинг рухий

Мустақил Ўзбекистонимизнинг танланган йўли, бош мақсади — инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдир. Конституциямиздан тортиб, қабул қилинмаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар инсонпарварлик принципларига асосланган. Ташқи ва ички сиёсатда, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда мамлакатимиз оғуру-этиборининг кун сайин ортиб бораётгани, боиси ҳам ана шунда.

Азалий анъаналарини яна ҳаётга татибқ этиб, ўзбек миллати шайн-шавқатини улуғлай бошлади. Бу муваффақиятларни ганимларимиз кўра олмай яттилар. Шундай бўлиши табиий. Душман турли йўллар ва усуллар билан таракатимизга ҳадақит беришга уриняпти. Айниқса, халқимиз асрлар давомида эътиқод қўйиб келган ислом дини никоҳи остида ўзларини фаришта қилиб кўрсатиб, бир халқни иккинчисига, отани болага, акани укага қарши қўймоқда.

Улар ўзларининг галамис ниятларини амалга ошириш йўлида имони бўш, эътиқоди суст ёшларимиз, хали ҳаётнинг паст-баландини чуқур англаб етмаган йигит-қизларимизни ишга солмоқдалар.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволига жавобан айтган куйидаги фикрини эслаб ўтмоқчиман: «...Муқаддас ислом динини никоҳ қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мугтаассиб кучлар, табиийки, ер юзидagi барча муулмонларнинг рухий

Муносабат

Яқинда ҳуқуқчи муҳофазаси этиш идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида бу масала атрофича муҳокама этилди. Ҳар бир кишлоқ, ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ўрашув-

туманимиз ёшлари фаол иштирок этилди. Ҳизмат юзасидан улар билан тез-тез ўрашши, ҳамсуҳбат бўлиш асносида ёшларнинг дунёқарашини, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати қандай эканлиги билан атрофича танишишга ҳаракат қилдим.

Ёшларимизнинг аксарияти мамлакатимизда олиб

улarga давлат ва халқ олдидаги ҳуқуқини эманас, бурчини ҳам чуқур англаб олишига қўмақлашмоғимиз лозим. Токи улар ҳар бир воқеа ва ҳодисага тийрак муносабат билдира олинсинлар. Чунки ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунлар моддалари ва бандларида эмас, балки бутун жамиятнинг, шу жумладан, унинг ҳар бир аъзосининг онгида қай даражада акс этиши билан улчанади.

Базирилар Маҳкамаси қароридagi бир ўринни алоҳида таъкидлашни истардим. «Коммиссиялар фаолияти изчил амалга оширилиши ташминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида маъсۇл котиб лавозими жорий этилсин», деб таъкидланади унда. Бу айни муқдосдир. Чунки, шу пайтгача ишлаб келган коммиссиялар амалда фақат юқори ташкилотларга ахборот бериш билангина шугулланарди, холос.

Энди ушбу муҳим ҳужжат асосида ўсирилган томонидан содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари фақат қайд этилмасдан, балки бу ҳолатларни юзга келтираётган сабаблар чуқур таҳлил этилади ва уларнинг олдини олишга қаратилган амалий тақлифлар билан тўлдирилади, деган умиддаман.

Халқимизда, «От ўрини той босади», деган доно нақл бор. Шундай экан, сиз билан бизнинг ўрнинингизни босадиган, мустақил қирғини келажакги учун қамқорбаста йигит-қизларимизнинг эртанги кунини ўларнинг бир-дai масъулми.

Козимов Зоҳидов, Қўва туманларо прокурори, адлия маслаҳатчиси.

ФАРЗАНД АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қароридан кейинги ўйлар

Бундан салкам икки йил аввал айтилган бу гаплар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ҳамон атофимизда галамислар бор экан, арзиманган пулга, нафс балосига ўраганлар уларга эргашиб, хоинлик йўлига ўтган экан, огоҳликка ишонувчи бу давлат доимо ёдимизда туриши лозим.

Ешларимиз ўз дунёқарашларига эга бўлишлари, оқ-қорани ажрата билишлари учун, жумладан, ҳуқуқий маданиятга ҳам эга бўлишлари зарур. Бунинг учун биз ҳуқуқчи муҳофазаси этиш идоралари вакиллари кенг миқдасда иш олиб боришимиз лозим.

Шуни тан олиб айтишимиз керакки, бу борада қилинмаётган ишлар қориклар даражада эмас. Қўпгина турли хилдаги жиноий ишлар атрофида ураллашиб қолиб, халқ дардидан, айниқса, ёшларимиз муаммоларидан беҳабар қолаётимиз.

лар ўтказиш, турли суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил этиш, бу тадбирларда фақат қонунлар ва уларга риоя этилишини эманас, балки ҳуқуқ нима, демократия нима, миллий қадриятлар ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида батафсил суҳбатлар ўтказишга келиш олдик. Чунки биз қанчалик ҳаракат қилмайлик, ҳар бир йигит-қиз жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини эгаллаганди-на ўтмишдаги ота-боболарининг ижтимоий-сиёсий таърибаларига ёндашди ва уларни ўз онгида қайтадан ўтказди.

Мен бу гапларни нимага асосланиб айтаяман? Фаргона водийсининг барча ҳудудларида, жумладан, бизнинг туманимизда ҳам юртимиз дахлсизлигини авайлаб-асрашга оид қатор тадбирлар ўтказилди. Чегара посбонлари, маҳалла посбонлари каби ҳаракатларда

Бўлиб ўтган воқеалар бизни нафақат жипслаштирди, балки бир-биримизга анча яқинлаштирди. Кишлоқ йигит-қизлари қаҳиримизга лаббай, деб жавоб қайтардилар ва кечалари ухламай ўз маҳалларини биз кутганда ҳам аъло даражада қўриқлаб чиқдилар.

Ўзбек йигитлари азалдан танлиги, мардлиги билан ажралиб турган. Очили, мен мамлакатимиз учун ноҳус ўша воқеалардан тўри хулоса чиқариб, ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсатган бу йигитлардан фахрландим. Биз улар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, янада яқинлашишимиз,

балки аниқ вазиқлардан иборат дастур бугун амалда. Утган даврда депутат кўчаларни тартибга солиш, чиқиндилардан тозалаш, маҳаллага оқар сув келишини ташминлади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарход Юсупов билан бамавсаҳат ҳар бир хонандонда, кўчада, маъмурий бинода амалга оширилиши лозим юмушлар белгиланиб, ижроси таъминланди.

Маҳалла ҳудудидagi ўз тарихига эга бўлган «Наврўзбулоқ» атрофи ободонлаштирилиб, ҳақиқий Наврўз байрами нишонланадиган жойга айлан-тирилди. Булоқ суви эвазига минг тупга яқин терак ўстирилмаган бўлди. Сайилгоҳга электр энергияси келтирилди.

Шаҳардаги болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод» дастури асосида тадбирлар уюштирилмапти. Маҳаллада болалар майдончаси ишга тушди.

Маҳалланинг коммунал хизмат тизими худаям эскириб кетганлиги оқибатида Тўрақулов, Тоиров, Жамолова кўчаларига қатор йиллардан бери ичимлик суви келмасди. Депутат шаҳар «Сувқоқ» корхонаси раҳбарлари кўмағида бошқа тармақдан 200 метр қувур ёрдамида сув келтириш муаммосини ҳал этди. Катъий режа асосида кўчалар қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилмапти.

— Бугунги кунда депутатлик фаолиятингизни нимадан иборат деб билиясиз? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Одамлар орасида бўлишда, уларнинг дарди билан яшашда, — жавоб беради у.

— Эрта-индин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тарқатамиз. Ҳомийлар кўмағида Р.Марценко, Қ.Тожибоева каби 1-2- гуруҳ ногиронларига шахсан ўзим қаршииб турибман.

Кейинги ҳафтада маҳалладаги тўю томошаларнинг ўтиши, уларни тартибга солиш масаласини оқсоқлар билан муҳокама қилиб оламиз. Чунки ортқича дабдаба, кераксиз ҳаракатларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам сезила-пти.

Шу ўринда депутат ҳалигача маҳалла гузарги йўқлигини айтиб қолди. Бу эса айнан ўша тўю маъракаларни тартибга ўтказишга таъсир этмоқда. Бунинг ечимини эса вақт ва маблағ талаб этади. Ҳозиргача М.Сандибоев шаҳар бош архитектори билан гузар лойиҳаси, қуриладиган жойни белгила-шибди. Қурилишни асосан ҳашар ва ҳомийлар ёрдамида амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мухими, бу борада ҳам дастлабки қадамлар ташланган.

Бизга ҳаммасидан кам маҳалла-дорларнинг ўз депутатларига бўлган саволининг муносабатлари, ишончлари ёқди. Улар депутат билан бир оила аъзоларидай бемалол гаплашишди. Кимдир ёрдам, маслаҳат сўрайди, бошқа биров ёрдамини тақлиф этади. Буларнинг ҳаммаси депутат ҳаётининг, фаолиятининг жўшқинлигидан.

Баҳриддин САТТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

«Соғлом авлод учун» халқро хайри жамғармаси билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ақиддорлик жамиятига қарашли тиббий-санитария хизмати узок худудлар аҳолисига мадақали тиббий, шунингдек мурувват ёрдами кўрсатиш бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Эндиликда бу борада яна бир хайрли ишга қўл урилди. 16 миллион сўмлик дориндор, болалар овқати, турли витаминлар, методик қўлланмалар, санитария-гигиена жиҳозлари ва кийим-кечаклар ортилган хайрия поёзди Сурхондарё вилоятига йўл олди. Бу тиббий маъсۇлотлар вилоятнинг чегара туманлари аҳолиси учун мўлжалланган.

Шуниси эътиборлики, тиббиётга тегишли юқлар ор-тилган мазкур поёздда шифокорлар гуруҳи ҳам бўлиб, улар болалар, хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қисмини тиббий қўриқдан ўтказадилар.

БИЛИМ ҚОШОНАЛАРИ — ЁШЛАРГА

Наманганда касб-ҳунар коллежлари бирданига 12 тага кўпайди. Бугун-сони бирданига, Янгикўрган, Наманган тўрта Косонсой, Янгикўрган, Наманган тўрта манларидagi замонавий билим ва ҳунар даргоҳлари ҳам ёшлар ихтиёрига топши-рилади.

Тўрақўрғондаги кишлоқ хўжалигини механизация-лаштириш қадрлари тайёрлаш билимгоҳининг агроқисодиёт йўналиш-даги касб-ҳунар коллежга айлантирилиши натижаси-да талабалар қўшимча равишда яна бир нечта мутахассисликни эгаллаш имкониятига эга бўлдилар. Янги ўқув йилидан кишлоқ хўжалик маъсۇлотлари сифат назоратчиси ва стандартлаштириш, сув иншоотлари қурилиши техникни, тармоқ аудитори, ҳуқуқшунослик касблари бўйича ўқитишга киришилди. Биргина бу эмас.

Коллеж биноси жаҳон андозалари асосида таъмирдан чиқарилиб, кўз курси қувонадиган қо-нага айлантирилди. Бош пудратчи — «Дурадгор» давлат кичик корхонаси жамоаси ўқув-тажриба хоналари, ошхона, ётоқхо-на ҳамда лабораторияни қисқа фурсат — беш ой ичида қойилмоқ қилиб қайта қурди. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас — 278 миллион сўм маблағ сарфланди.

Янгича макомда фаоли-ят кўрсата бошлаган коллежнинг 225 нафар талабаси машғулотларни энг сўнгги нуқсаддаги компьютерлар ва бошқа воситалар билан жиҳоз-ланган шинам хоналарда ўтказмоқда. Бу ерда йилнинг тўрт фаслида ўсимликшунослик юзаси-дан тажрибалар ўтказиш имконияти яратилган. Коллежнинг кичик агроша-харчина эслатуви ҳовлиси ҳам ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

Наманган шаҳридаги собиқ санбат билим юрти неғизда иш бошлаган коллежда ҳам ўзгаришлар катта. Энди унинг юқори босқич талабалари, шунингдек, янги ўқув йилидан тахсил ола бошлаган 85 нафар йигит-қиз ҳам машғулотларни яқка тартибда, етарли мусиқа асбобларидан фойдаланган ҳолда ўтадилар. Ҳар бир хона зарур воситалар билан таъминланган. Рақс дарслари учун алоҳида хоналар бор. Мухташам концерт залида эса талабалардан ташқари, профессионал санъаткор-ларнинг чиқишларини ҳам ташкил этиш мумкин. Коллеж биносини қайта таъмирлаш жараёнида амалий машғулот хоналари юз миллион сўмлик маъмурий маъмурият ҳамда бошқа ўқув-техника воситалари билан жиҳоз-ланди.

Билоятда замонавий касб-ҳунар коллежлари ичида қойилмоқ қилиб қайта қурди. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас — 278 миллион сўм маблағ сарфланди.



«Пахта — 2000»

Шариф Худойёров куз фаслини яши кўради. Сабаби — деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати сарҳисоб қилинади. Кимдир меҳнатига яраша даромад қилса, кимдир... панд ёб қолади.

— Чин деҳқон ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ер билан тиллаша олади, — дейди Бухоро тумани «Ўрта Осие» ширкат хўжалиги бригадари Шариф Худойёров. — Балки режа-топшириқлари ошириб бажарганимизнинг сабаби ҳам шундадир.



СУРАТЛАРДА: бригаданинг кўпмингкилограммчи теримчиси Зилола Ҳасанова; бригада сардори Шариф Худойёров илгор теримчилар Лайло Шодиева, Моҳичехра Ҳамроқуловлар билан.

Тўғирхон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ХОВЛИ ТҲЙЛАРИ ЯҚИН

Бугун Лойлик мавзе-си ҳаётнинг қайнаб тур-ган мўъжаз парчасига ай-ланган. Бу ерда Сарюс-сиё ва Узуи туманлари-нинг тоған худудларида-руй берган воқеалар ту-файли жабр кўрганлар-нинг доимий истиқомат-қилишлари учун янги ша-ҳарча қад ростлаяпти. Шаҳарчина Сарюс-сиё қурилиш трестининг қўл гул бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

«МАҲАЛЛАМИЗ МАДАДИ»

«Наврўз» маҳалласи аҳли депутат Мадад Сандибоевни ана шундай эъзозлашди

Аслида М.Сандибоев Жиззах шаҳ-рининг чеккасида жойлашган бу ма-ҳаллада яшамайди. Бу худудда унинг ишонаси жойлашган, холос. Мадад 1986 йилда Тошкент политехника ин-ститутини тамомлаб келгач, вилоят электр тармоқлари корхонасига од-дий муҳандис бўлиб ишга кирганди. «Маҳалладаш»ларининг эътиборига тушиши ҳам қизик бўлган. Бир кеч идорани 3-4 одам даргазаб бўлиб кирганида корхонадан ундан бошқа ҳеч қим йўқ эди.

— Хеч бўлмаса тўйни бузманглар. Шу пайтда ҳам чирокни ўчирасиз-ларми? — дейишди улар жўровоз бўлиб.

Мадад вазиятни дарров англади. Бор масъулиятни бўйнига олиб, улар-ни тинчлаттирди. Шаҳардаги ҳам-касблари билан хабарлашди. Мон-тёрларни уйларидан олиб келиб, тўйхонага чирок улаттирди.

Шу-шу М.Сандибоев маҳаллага фахрий аъзо бўлиб қолди. Кичик ма-ҳалла эмасми, тўю маъракада биров-нинг бор-йўқлиги дарров сезилади. «Ўзимизнинг Мадад кўринмайдими?» деб катта-кичик сўрашгани сўрашган.

Албатта, бундай эътибор ўз-ўзидан бўлмади. Ун йиллар давомида шакл-ланиб, мустақамлашиб борди. Янги йил, Наврўз, 8 Март, Мустақиллик байрамлари каби тантаналар бирга нишонланадиган бўлди. Маҳалладаги шанбаликлар, ободончилик ишлари-нинг ҳамкорликда уюштирилиши ва корхона томонидан М.Сандибоевнинг масъуллиги одат тусига кириб қол-ди.

Бу орада шаҳар электр тармоқла-рига ишга ўтди. Узаро алоқалар эса янада мустақамланди. Буни ўтган йили маҳалладашлар Мададни 9-«Ус-мон Носир» сайлов округидан шаҳар кенгаши депутатлигига номзод қилиб қўрсатганлари ҳам яқоқ тасдиқлай-ди. Сайловдаги рақибларининг бири обрўли олим, бошқаси вилоят таш-килотчи раҳбарларидан эканлиги, ич-иңчиси эса савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори лавозимида иш-лашини эшитиб, дастлаб иккиланган М.Сандибоев, бир неча ўрашувлар-дан кейин сайловчиларнинг унга ало-ҳида ишонч билдираётганлигидан руҳланди.

— Учрашувлар чоғида ваъда бе-ришдан ўзини тийдим, — дейди у. — Аммо худуддаги кўчалар, маҳалла-нинг муаммоларини батафсил ўрган-дим. 700 хонандондан иборат «Наврўз» маҳалласида яшовчи 20 дан зиёд миллат вакиллари билан ўрашиб, муаммоларни ҳал этиш йўллари хусу-сида фикрлашдим. Сайловчиларга «Маҳаллангиз келажакини қандай та-саввур этасиз?» деган саволини бер-дим.

Балки, номзод ана шу куюнчакли-ги, самимийлиги тўфайли сайловда-голиб чиққандир. Бу ҳақда батафсил ёзаётганимиз боиси, ўша пайтда қозоғга туширил-ган дастур бугун ўз ечимини топяап-ти. Тоғ-тоь ваъдалар асосида эмас,

балки аниқ вазиқлардан иборат дастур бугун амалда. Утган даврда депутат кўчаларни тартибга солиш, чиқиндилардан тозалаш, маҳаллага оқар сув келишини ташминлади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарход Юсупов билан бамавсаҳат ҳар бир хонандонда, кўчада, маъмурий бинода амалга оширилиши лозим юмушлар белгиланиб, ижроси таъминланди.

Маҳалла ҳудудидagi ўз тарихига эга бўлган «Наврўзбулоқ» атрофи ободонлаштирилиб, ҳақиқий Наврўз байрами нишонланадиган жойга айлан-тирилди. Булоқ суви эвазига минг тупга яқин терак ўстирилмаган бўлди. Сайилгоҳга электр энергияси келтирилди.

Шаҳардаги болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод» дастури асосида тадбирлар уюштирилмапти. Маҳаллада болалар майдончаси ишга тушди.

Маҳалланинг коммунал хизмат тизими худаям эскириб кетганлиги оқибатида Тўрақулов, Тоиров, Жамолова кўчаларига қатор йиллардан бери ичимлик суви келмасди. Депутат шаҳар «Сувқоқ» корхонаси раҳбарлари кўмағида бошқа тармақдан 200 метр қувур ёрдамида сув келтириш муаммосини ҳал этди. Катъий режа асосида кўчалар қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилмапти.

— Бугунги кунда депутатлик фаолиятингизни нимадан иборат деб билиясиз? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Одамлар орасида бўлишда, уларнинг дарди билан яшашда, — жавоб беради у.

— Эрта-индин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тарқатамиз. Ҳомийлар кўмағида Р.Марценко, Қ.Тожибоева каби 1-2- гуруҳ ногиронларига шахсан ўзим қаршииб турибман.

Кейинги ҳафтада маҳалладаги тўю томошаларнинг ўтиши, уларни тартибга солиш масаласини оқсоқлар билан муҳокама қилиб оламиз. Чунки ортқича дабдаба, кераксиз ҳаракатларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам сезила-пти.

Шу ўринда депутат ҳалигача маҳалла гузарги йўқлигини айтиб қолди. Бу эса айнан ўша тўю маъракаларни тартибга ўтказишга таъсир этмоқда. Бунинг ечимини эса вақт ва маблағ талаб этади. Ҳозиргача М.Сандибоев шаҳар бош архитектори билан гузар лойиҳаси, қуриладиган жойни белгила-шибди. Қурилишни асосан ҳашар ва ҳомийлар ёрдамида амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мухими, бу борада ҳам дастлабки қадамлар ташланган.

Хаётий хангомалар



ХОТИНИДАН «КЎРКМАЙДИГАН» ЙИГИТ

Самарқанд тарафларда келин-куёв чимилдикқа киратганда «оёқ босиш» одати бор. Агар ким жуфтининг оёғини биринчи бўлиб босса...

тинингга айт, яна уч-тўртта қовуриб келсин, — деб ҳазиллашибди жўралардан бири. — Ҳўп, ҳозир, мен ҳалиги...

дейди?! — унамади ўғил. Ота катта ўғилни ўйлаб боши котди. Ахир, акли ҳалигидай...

ЧИМИЛДИКДАН ГАП ОЧИЛСА...

ҚИЗИҚҚОНЛИК БАЛОСИ

Қишлоғимизда Розия деган аёл ўтган. У жуда шўх-шаддат, турли хангомаларга ўч, қайсики уйда никоҳ тўйи бўлса тонггача қолиб, дераза тирқишидан чимилдикдаги келин-куёвни пойлар экан...

гоналариға «Мана, кўрасизлар, чимилдикда оёғимни бостирмайман!» деган экан. Хуллас, никоҳ кўни чимилдикқа кирар-кирмас келин-куёвнинг оёғини босиб олибди.

учта балиқни олиб, қозондаги ёққа тезгина қизартириб чиқинлар. Ундан сўнг ўтиришни яна давом эттирамиз, ҳўпми?!

Ҳудди шу тadbир жуда иш берди. Қизга йигит дарровгина маъқул келди. Йигитнинг ҳам юраги «жиж» этди. Кўп ўтмасдан тўй бўлди. Чимилдикқа кирган киз қарасаки, куёв мутлақо нотаниш! Кўзларига ишонмади.

ТАКДИРГА ҚЎЙИЛГАН «ТУЗОҚ»

Қишлоғимиздаги Нор чўпоннинг икки ўғил, бир кизи бор эди. Қизи кўзга яқингина бўлгани учун мактабни битириши биланқоқ узатиб юборишди. Лекин, ўғиллар... Каттаси озгина келганини сўзлайдиган, кўзлари сал гилай, акли ҳам ноқирок. Кичиги эса аксинча, тегиримонга туша бутун чиқадиган, хушёр, ўзи ҳам чақмоқдай йигит.

«Ширин бола, шакар бола, той бола. Тойчоқ миниб чопиб юрган бой бола».



«Ширин бола, шакар бола, той бола. Тойчоқ миниб чопиб юрган бой бола».

ХИКМАТ Мингта одамни ўзинга дўст қиламан деб, битта одамни душманга айлантирма, чунки дўст мингта бўлса оз, душман битта бўлса кўпдир.



БИРИНЧИ ЕРОСТИ ЙҮЛИ

Дунёдаги энг эски ерости йули Оврулда, аниқроғи, Фарангистоннинг Тулон шаҳрида бўлиб, 1681 йили қазилган ва ҳозирги кунгача ундан фойдаланиб келинади.



ЎЛМАС НОВАДАЛАР

Катта ва Кичик Багама оролларида ўсадиган «Хаёт дарахти» деб аталувчи дарахт ҳақиқатан ҳам яшовчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг ерга тикилган хар бир новдаси, албатта, кўкариб, катта дарахт бўлиб етишади, ҳатто сувсиз саҳрога ёки нурсиз зулматга суқилса-да, кўкараверади.



МУШУҚЛАРНИНГ КАТТА БУВИСИ

Сиз узоқ умр кўрган мушукни биласизми? Бу «кария» германиялик Лус лакаби ола мушукдир. У нақ 36 ёшида «Алвидо, ҳаёт!» — дея сўнги бор миевледи.

Соат олтида осма соат 6 марта бонг урди. Агар биринчи бонгдан олтинчи бонггача 30 сония кетган бўлса, соат 12 да 12 марта бонг уриши учун қанча вақт кетади?



Кечаги сондаги жумбоқнинг жавоби

123-45-67 + 89 = 100 Бу жавобни 136-35-60 телефонига биринчи бўлиб Бўка туманидан Абдулхай Шотемиров хабар қилди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-П компьютеризда термалда ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙҮЛДӨШЕВА. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Мусоҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 ҳоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширида — 22.35 1 2 3 4 5 6

«ХОНГУЛ» ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Эшитмаган бўлсангиз, қулоқ тутинг: у илмий асарларда «Бухоро бугуси» деб юритилади. Турдошлари орасида бирмунча йириклиги ва гўзаллиги кўра ажралиб туради. Шу боис ота-боболаримиз бу жониворларга алоҳида меҳр кўзи билан қарашган. Уларни табиатнинг беназар мўъжизаси деб билишган. Туронзаминнинг ноёб бойлиги, Ўзбекистоннинг кўрки ҳисоблаган. Рамзий маънода «хонгул» деган ном ҳам берилган.

Зеро, «хонгул»лар бизга бегона эмас. Улар қадим-қадимдан Марказий Осиё ҳудудларида ҳаёт кечирган. Асосан Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёси ён-атрофидаги тўқайзорларнинг макон тугишган. Айнан мана шундай шароитда яшашга қўнишган.

каро жамгармасининг Голландия ва Покистон бўлимлари, Бутурросия табиати муҳофазат этиш институти олимлари, Ўзбекистон ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси мутахассислари жалб қилиндилар. Тахрир майдони сифатида Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳудудига жойлашган «Зарафшон» давлат қўриқхонаси танланди. Боиси — ушбу дарё соҳилларида ҳозир ҳам катта-катта тўқайлар мавжуд. Уларда авваллари ҳам Бухоро бугуларига тиз-тиз ўраб турган. Иқлим бу жониворларнинг яшашини учун жуда мос тушган.



Табиат ва инсон

1996 йили қўриқхона тегиридан 3 гектарлик майдон ажратилди. Бугулар боқиладиган махсус бостирма қурилди. Ариқ-ҳовузалар қазилди. Бошқа табиий шарт-шароитлар яратилди. Сўнгра Бамай-Тўқай ва Қизилқум қўриқхоналаридан келтирилган уч жуфт «хонгул» парваришлана бошланди. Кўп ўтмай улар узидан кўпайиб, тўққуз бошга етди. Яшаш жойлари ҳам икки бара-варга кенгайди.

Қўриқхонада «хонгул»ларнинг ҳаёт тарзини илмий нуқтаи назардан ўрганиш давом этмоқда. Уларнинг сони мўлжалдаги миқдорга етган, Зарафшон, Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги тўқайзорларга қўйиб юборилади. Қўриқхона келгусида Марказий Осиё бўйича ушбу вазифа билан мўлтазам шуғулланувчи масканга айланади. Бунинг учун олим-мутахассислардан ташқари бошқалар ҳам астойдил жон қўйдиришлари лозим. Нетаҳси, Бухоро бугуси ўта ҳурқат ҳайвон бўлиб, салгина ортика шовқин-сурондан ҳам безовталанади. Айниқса, урчиш мавсумида наслдорлиги пасайиб кетади. Тулаш даврида бш бугулар ташқи таъсирларга берилувчан бўлади. Оқибатда вақти бемаҳал нобуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Устига устак, «Зарафшон» қўриқхонаси аҳоли зич яшайдиган минтақага яқин ерда. Шунданми, унинг ҳудудига тез-тез қондаварликлар содир этилмоқда. Тақиқланган жойларда ўзбошимчилик билан қорва молларини боқиб, дов-дарахтларни беружаст кесиб, пичан ўриш, олов ёқиб каби ноҳушлиқлар давом этмоқда. Баъзан Бухоро бугуларини жонига қасд қилишдан тоймайдиганлар ҳам пайдо бўлиб қоладилар. Ҳолбуки, бу жониворлар ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар билан савдо қилиш тўғрисидаги иқтисодий ҳалқаро конвенция иловасига киритилган. Уларни ов қилиш қатъян тақиқланган.

Бас, шундай экан, аҳоли ўртасида «хонгул»ларни сақлаб қолиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Чунки улар халқимизнинг миллий бойлиқларидандир. Ватан бойлигини кўз қорачиқдек асраб-авайлаш эса ўзалигини таниган ҳар бир фуқаронинг муҳаддас бурчидир.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



ИШТАҲА БЎГИЛГАНДА

Одатда турли касалликлардан, захарланшдан кейин иштаҳа ўйқолиб, кўнглингиз оғват тусамайди. Иштаҳани тиклашда лимонялпизнинг (мелисса) аҳамияти катта бўлиб, аввал бу ўсимликни қурийтиб, майдалаб ёрма холга келтирасиз. Сўнгра икки стакан сувга 8 чой қошиқ лимонялпиз солиб аралаштирилади ва 4 соат қолдирилган, бу эритманни доқдада сузиб туппаси олиб ташланади. Овқатланишдан аввал ярим стакандан кам бўлмаган миқдорда икки-уч кун ичилади. Қараб-сизки, иштаҳа қарнай.

БУЙРАКДАГИ ТОШ ҚИЙНАСА...

Бир чой қошиқдаги зигир уруғини бир стакан сувда қайнатиб совитиш ва сузиш лозим. Ундан ҳар икки соатда ярим стакандан икки кун ичилади. Агар зарурат туғилса қайнатма.

Фойдали маслаҳатлар

га хоҳишингизга қараб сув қўшиб ичишингиз ҳам мумкин. Қайнатманинг таъмини яхшилаш учун озгина лимон шарбатидан қўшинг. Бундай муолажани 10 кундан кейин қайтарсангиз, буйракдаги тош эриб тушади.

АЛЛЕРГИЯДАН ҚОЧИНГ

Баъзи одамлар гул чангидан таъсирланиш,

яъни аллергия кучли бўлади. Бундай ҳолларда энг аввало, томоқни оддий сувда чайқаш, тинчлантирувчи ўсимликларда томоқни чайиш зарур. Шунингдек, кунига 3 марта чўмилиш ҳам фойдали.

Қурийтиб майдаланган тозатан ўсимлигидан бир қошиқни 2 стакан қайноқ сувга солиб, 4 соат ивитиб, сўнгра сузиб, тозаланган эритмадан овқатланишдан 1,5-2 минут аввал бир стаканни 1/4 ёки 1/2 қисми миқдорда эрталаб ва кечқурун ичиш ҳам яхши натижа беради.

А. ИСМОИЛОВ тўплаган.

Advertisement for 'Metal Roof Tiles' (Металл черепица) by 'TEZINTOM'. Includes details about materials, prices, and contact information.